

## Кулфат келтирувчи иллат

2018 йил 26 март куни Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти 4-сонли талабалар турар жойи тарбиячи педагоги Жавлонбек Қутлимуротов 9 қават талабаларига “Гиёхвандлик-ҳалокатга элтади” мавзусида давра сухбати ўтказди. Шунингдек, талабаларга ўша иллатнинг заарали оқибатларига бағишиланган видеороликлар ҳам қўйиб берилди.

Бу иллат занжирига тушиб қолган одамлар ҳаёти акс эттирилган “Гиёхвандлик – аср вабоси” ҳужжатли фильмни намойиш этилиб, кенг жамоатчилик томонидан муҳокама қилинмоқда. Оддимизда турган муҳим вазифалардан бири – ёшлар ўртасида гиёхвандликнинг заарали оқибатлари ва унинг инсоният такомилига салбий таъсири, унинг даромад манбалари тўғрисида батафсил тушунтириш ишларини олиб бориш керак.

Гиёхванд бўлиб қолган одам ҳатто ота-онаси, ака-укаси ва бошқа яқинларининг жонига қасд қилишгача боради. Оғу истеъмол қилиши оиланинг барбод бўлиши, фарзандлар майиб-мажруҳ бўлиб туғилишига олиб келади, инсон ота-онаси, қариндошлари ва дўстларидан юз ўгиради, хотираси йўқолади, ҳеч нарсага қизиқмай қўяди, беҳаёлик, диёнатсизликка юз тутади.

Азиз ёшлар! Кўраяпсизми, бу оғат инсон ҳаётига қай даражада рахна солиб, кулфатлар келтириб чиқаради.

Ҳеч бир инсон онадан пияниста ёки гиёхванд бўлиб туғилмайди. Буни келтириб чиқарадиган бир қатор омиллар мавжуд. Баъзилар тўқлийка шўхлик қиласа, бошқа бировлар ўзи билмаган ҳолда, алдовлар натижасида шу йўлга кириб қолади. Ҳозирги кунда ўсмирлар, аёллар ўртасида ҳам гиёхвандликка ружу қўйиш ҳоллари учраётгани ташвишлидир.

Бундай ачинарли Оқибатда кўплаб ёшларимиз ҳаётдан бевақт кўз юммоқдалар.

Давра сухбатидан мақсад ҳам талабаларни огоҳликка чорлашдир.



**4-ТТЖ тарбиячи-педагоги Жавлонбек Қутлимуротов ахбороти**

**Институт матбуот котиби Раҳимбой Жуманиёзов**